



# Ином ат-Духовий САБОҚЛАРИ

МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ, ИЛМИЙ-АДАБИЙ ЖУРНАЛ





**Рашид ЗОХИД,**  
филология фанлари номзоди



## ЖАМИЯТ – БИР ТАРИҚАТ

(Ш.Сирожиддиновнинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китобини ўқиб)

**И** мом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти Ш.Сирожиддиновнинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти»<sup>1</sup> номли монографик тадқиқотининг биринчи қисмини нашрдан чиқарди. Ушбу тадқиқот Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросига қизиқиш янада ортаётганидан ва уни ўрганишда янгича муносабат шаклангаётганидан дарак беради.

Сўфи Оллоёр ижоди билан яқиндан таниш киши<sup>2</sup> (ёхуд оддий бир китобхон) сифатида бу тадқиқотни эътибор билан ўқиб чиқдим.

Эътиборимнинг натижаси ўлароқ англадимки, бор-йўғи 500 ададда чиққан бу китоб билан, тўғрироғи, ундаги жиҳдий меҳнат ва самарали изланишлар билан кенг китобхонлар оммасини аништириш зарурати бор. Шу мантиқдан келиб чиққан ҳолда, тор ва чуқур таҳлилга ўрин бермасдан, китобнинг тузилиш тартиби ва ички мундарижаси ҳақидаги баёний маълумотлар билан чекланамиз. Бу жиҳат китоб ҳақида ўқувчиларда тўлароқ тасаввур хосил бўлиши учун лозимdir.

«Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китоби учта боб ва якуний хуносани ўз ичига олган.

«Сўфи Оллоёр ҳаёти ва илмий-адабий мероси» деб номланган аввалги бобда Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли ва адабий мероси ҳақида атрофлича тўхтаб ўтилган. Мазкур бобда келтирилган маълумотлар

қиёсий ва аналитик таҳлил асосида ўрганилгани боис Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли қандайдир даражада яхлит тизим доирасида шаклланган, илмий-адабий мероси ва унинг ўрганилиш тарихидан хабар берувчи маълумотлар бир жойга тўпланган, янги фактик материаллар билан бойитилган.

Китобнинг иккинчи боби «Сўфи Оллоёр ва давр» деб номланган. Ижодкор шахс фаолиятини тўлақонли ёритиш уни ўзи яшаган давр билан боғлиқликда ўрганишни тақозо этади. Иккинчи бобдаги тарихий экспурсни худди шу сабаб билан изоҳлаш мумкин.

Шу бобда Ш.Сирожиддинов XVI-XVIII аср оралиғидаги маънавий мұхит, хусусан, Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нотинчлик, беқарорлик ва тариқат пирларининг ҳокимиятни қўлга киритишга интилиши, халқ орасидаги тарбиявий ишларнинг сусайиб қолиши билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритган. Муаллифнинг<sup>3</sup> таъкидлашича, нақшбандия тариқатининг XVI асрдан кейинги тараққиёти Ҳиндистон билан боғлиқ. Дехдида Боқибilloҳ, Беранг (1563-1603) асос солган нақшбандия маркази қисқа вақт ичida ўз таълимотини бутун Ҳиндистонга ёйишга эришган. Бу ерда кейинчалик, нақшбандиянинг турли тариқатлар, эътиқодлар ва фалсафий қарашлар таъсирига тушиб қолганини кўриш мумкин. Шу даврларда Ҳиндистон ва Туркияда сон-саноқсиз

сүфий тоифалари турли усуулар, қонун-қоида ва расм-руsumларни тарғиб этиш орқали сүфийлик мартаба ва мақомларини эгаллашга даъват этувчи таълимотлар пайдо бўлди.

Муаллиф Сўфи Оллоёр асрлари ва Тожуддин Ёлчиғул ўғли томонидан «Саботул-ожизин»га «Рисолаи Азиза» номи билан ёзилган шарҳни XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган тариқатлар ҳақида тўлиқ, тасаввур берадиган ҳозирча ягона асар сифатида тилга олади. Дарҳақиқат, Тожуддин Ёлчиғул ўғли «Саботул-ожизин»да танқид қилинган фирмә ва оқимлар шарҳида ўша пайтда кенг тарқалган 14 та бидъат таълимот устида тўхталиб ўтади.

Мазкур шарҳдан келиб чиққан ҳолда, муаллиф ўша фирмә ва оқимларнинг айримлари ҳақида маълумот беради, «Саботул-ожизин»дан келтирилган байтлар орқали уларни далиллайди. Лекин, муаллиф тўғри таъкидлаганидек, адашган фирмә ва оқимлар хусусида «Рисолаи Азиза»да келтирилган маълумотлар ўша фирмә ва оқимларнинг foяларини атрофлича очиб бермайди. Ёлчиғул ўғли, асосан, Сўфи Оллоёр байтлари мазмунига мувофиқ, бидъат таълимотларнинг ҳалқ маънавиятига жиҳдий зарар етказган жиҳатларинигина айтиш билан кифояланган.

Муаллиф боб ниҳоясида айнан ўша жиҳдий зарар – маънавий таназзул сабабларини санаб, қўйидаги умумий хуносаларга келади:

– темурйлар салтанати емирилгандан кейин мамлакатда узоқ давом этган парокандалик жамиятда бекарорлик кайфиятини кучайтириди. Натижада анъянавий таълим-тарбия тизими издан чиқди;

– XV-XVI асрларда нақшбандия foяларида ўз аксини топган мол-мулк йигиши ва сиёсатга аралашишга рухсат XVII-асрда нақшбандия пирларининг сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилишларига олиб келди. Натижада тарғибот ва тарбия усуулари заифлашиб, омма мафкураси ва фаолиятида майший тубанлашувга мойиллик кучайди;

– муридларнинг шахсий манфаат юзасидан пир вафотидан сўнг уни илоҳийлаштириб, шахсга сифинишни ташкиллаштириши, ўз пирининг валийлик даражаларини олий мақомларга кўтариш

орқали келажак тирикчилиги учун мустаҳкам пойдевор ясад олишга интилиши ҳалқ онгида ҳамма пир валиуллоҳдир ва уларга сифиниш барака келтиради, деган қатъий тасаввурнинг пайдо бўлишига ва мамлакатнинг катта – кичик туманларида дағн этилган пирларнинг қабрларини сифиниш обьекти қилиб олишларига олиб келди. Натижада тариқат мактаблари ҳаддан ташқари кўпайиб улар, ва, хатто, ягона силсилавий ўюшма орасида пинҳона рақобат пайдо бўлган. Шу тариқат мамлакат маънавий ҳайти тақдирни руҳоний имомларнинг ўзаро муносабатига боғлиқ бўлиб қолган. Шу билан бирга, «тариқат аҳди Аллоҳнинг севган бандалари ва авлиёларнинг ўринбосарлари»дир, демак, уларга ҳар бир ишда ишониш, орқасидан эргашиш фазилат» деган эътиқоднинг кучлилиги боис, ҳалқ тафаккурида Ҳинд, Эрон, Туркия минтақаларида тинимсиз келиб турган турли мафкура ва эътиқоддаги кўп сонли «суфийнамо» кazzоб «кўзбойлагичлар»нинг намойишларини каромат деб билиш, уларнинг хурофий, бидъат таълимотларини «ота-боболарнинг йўли» сифатида қабул қилиш каби адашиш илдиз ота бошлиди.

Нарсанинг ҳақиқатини англашда сифатдан зотга қараб юриш, аслдан ҷалғимаслик энг мақбул йўлдир. Муаллиф буни англаган ва имкон қадар уддалаган. Аммо, айрим ҳукмий тафсилларга кенроқ изоҳ берилса, тарихий-илмий далиллар янада кучайтирилса аълороқ, бўлур эди. Зеро, монографик тадқиқотнинг табиати ҳам шундай батағсиликни тақозо этади.

«Сўфи Оллоёр буюклигининг сири» деб номланган учинчи боб аввалги бобларнинг мантиқий давоми бўлиб, у иккни фаслдан иборат. Биринчи фасл «Буюқ даъват» деб аталган. Бу фаслда муаллиф Сўфи Оллоёр ижодий фаолиятини тадрижий-хронологик тарзда таҳдид этган. Таҳдид йўналиши тўла ижтимоий доирада кечган. Буни ушбу тилга олинган масалаларнинг (шартли) тезасидан ҳам кузатиш мумкин:

– Сўфи Оллоёр жамиятни қайта тарбиялаш, ҳалқ мафкурасини ёт унсурлардан тозалаш ҳаракатларида аниқ дастур билан иш кўрган. Буни, биринчидан, инсон эътиқодини мустаҳкамлаш, аҳоли онгини ёт мафкуралардан, хурофий бидъатлардан тозалаш, иккингчидан, эътиқоди мустаҳкам комил инсонни тарбиялаш дастури деб аташ мумкин;

— Сўфи Оллоёрнинг тозаланиш дастури икки йўналишда иш олиб боришига асосланган: оддий халқ, яъни «авомун-нос» ичида, иккинчиси, жамиятнинг зиёли табақаси орасида таблиф-тарвиж ишларини жонлантириш;

— китобнинг ёзилишига биринчи сабаб — халққа имон моҳиятини чуқурроқ тушунтириш; иккинчи сабаби, эътиқод масалаларига оид барча дарслик ва кўлманималар араб тилида бўлгани учун оддий халққа тушунарли форсий ва туркйда битилган ақида китобининг зарурлиги; учунчи сабаби, асл исломий эътиқоддан чалғимаслик, ёт мағкураларнинг турили бидъят таълимотларига учмаслик, улар исботлашга уринаётган турили «ilmий» қарашларнинг бехудалигини таъкидлаш ва фикъий масалаларни Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби доирасида халққа тушунтириш;

— Сўфи Оллоёр ижодининг руҳиятидан оддий халқни тўғри йўлга бошлаш, унинг маърифатини ошириш ва маънавиятини тузатиш учун икки усуслини кўллагани сезилади. Биринчиси, жонли ўзбек ва тожик тилларида тушунтириш. Иккинчиси, қон-қонига сингий бошлаган ёвуз, нафсоний иллатларни тезда чиқариб ташлаш учун нариги дунё азоблари хавфидан огоҳлантириш усули.

Мана шундай тасниф «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китобининг биринчи қисми нима учун «Жамият ва бурч» деб номланганини тушунтириб беради. Дарҳақиқат, ҳар бир мусулмоннинг зиммасида бузулгани тузатиш, ислоҳ, этиш вазифаси туради. Қолаверса, бу нарса банданинг банда олдидаги ҳаққидир. Лекин банданинг Яратувчи олдидаги ҳаққи ҳар нарсадан улуғдир. Шунинг учун Сўфи Оллоёр шахсини зиммасига фақат ижтимоий вазифалар юклатилган буюк ислоҳотчигина деб таниш камлик қиласи.

Сўфи Оллоёр «Кел, эй ошиқ, кўнгилни айлагил бир», «Кел, эй зоҳид, ўзингни айлагил хок», «Кел, эйтсан, бермагил вақtingни кўлдин», «Кел, эй банда, ўзингни сол Худога» дер экан, аввало, бу унинг ўз-ўзига мурожаатидир. Чунки, баңда борки, гуноҳкордир. Ҳатто, майсум пайғамбарлар ҳам Яратганга тинимсиз истиғфор айтганлар. Демак, мусулмон

учун, айниқса, олим мусулмон учун бош масала — ўзни ислоҳ, қилиш, ўзи билан Парвардигори ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, Аллоҳ, розилигига эришишдир.

«Ахлоқ ва нафс тарбияси» деб номланган кейинги фасл олдинги фаслдан анчайин фарқ қиласи. Олдинги фаслда Сўфи Оллоёр ижодига иккиламчи воситалар орқали ёндашилган бўлса, бунда ижодий матнга бевосита яқинлашилган ва шу жараённинг ўзида ижодкор шахсияти билан янада яқинроқ таниши имконияти туғилган.

Муаллиф таъкидлаганидек, «Саботул-ожизин»даги ҳар бир шеър Куръони карим оятлари ва Расууллоҳ (с.а.в.) ҳадисларининг шарҳидир. Шунинг учун ҳам матн таҳдили матнга таалуқли оят тафсири ва ҳадис шарҳини билмакни тақозо этади. Муаллиф бу заруратни англашган ва имкон қадар моҳиятга яқинлашилган. Матннинг мавзу кўламини аниқлаш билан бирга, айрим ўринларда матннинг услубий нозиликларига дахл қила олган. Назарий қимматга эга янгиликлар топган:

«Сўфи Оллоёр... маломат услубидан усталик билан фойдаланган. Бу услуб шоир томонидан «Ожизлик баёни» остида берилиб, унинг кўнглидаги барча дард-алам, жамиятдошларидан гина-кудурат, фазаб ва нафратни тўкиб солишга имконият яратган. Унинг ҳар бир «ажз»и маълум боблардаги тарбиявий тезисни хulosалаб беради ва уларда андиша билан баён этилган паңд-насиҳат «ажз»да кескин огоҳлантиришлар тусини олади:

Ўтар дунёда Оллоёр маъюб  
Мунингдек юрганингдун ўлганинг хўб.  
Ёмон нафсинг сени ўтдек тутошти,  
Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошти».

Китоб хulosасида Сўфи Оллоёрнинг маънавиятимиз тарихида тутган ўрни фаолик ва ҳаққоният билан ёритилган.

Шуҳрат Сирожиддиновнинг янги китоби Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросини ўрганишда янги даврни бошлаб беради, десак муболага бўлмас. Ҳақиқатан ҳам бу тадқиқот улуғ йўл сари қўйилган илк қадам, келгусидаги савоб ишларга бир дебочадир.

<sup>1</sup> Ш.Сирожиддинов «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» 1-қисм Жамият ва бурч. Тошкент, 2001й.

<sup>2</sup> Ушбу мақола муаллифи Р.Зоҳидов Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» асарининг тил хусусиятлари мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қиласи.

<sup>3</sup> Бу ва бундан кейин «Муаллиф» дейилганда Ш.Сирожиддинов назарда тутилади.